

Ансорийлардан бўлган кишилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (нарсалар) сўрашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (сўраган нарсаларини) бердилар. Кейин яна сўрашди. Уларга бердилар. Ҳатто ҳузурларидаги бор нарса тугади. Уларга барча нарсани қўллари билан инфоқ қила туриб: «Ҳузуримда **бирор яхши нарса бўлса, мен сизлардан дариғ тутмайман. Кимки (тамаъдан йироқ бўлиб) ўзини ифбатли тутса, Аллоҳ уни ифбатли қилади. Кимки ўзини ҳожатсиз қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб қўяди. Кимки бардошли бўлса, Аллоҳ уни ҳақиқий сабрли қилиб қўяди. Бирор кишига сабрдан кўра улуғ ва яхши нарса берилмайди**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

